
“Саховат ва кўмак”: меҳр-мурувват ва эзгулик улашиб

Коронавирус пандемияси ва карантин даврида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд оилаларга мунтазам равишда хайрия ёрдамларини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон туманида “Саховат ва кўмак” жамғармасининг хайрия маркази ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Бугун, 10 август кунлари хайрия маркази орқали 4 та сектор ҳудудларида истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож 64 та оилаларга 11 хил турдаги бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари ва тиббий ниқоблар етказиб берилди.

Туманимизда коронавирус пандемиясининг тарқалишини олдини олиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган долзарб ва хайрли тадбирлар давом этмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-08-10 18:00:25